



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 22
(943)
2025 йил
5 июнь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Экология, атроф-мухитни
мухофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазири Азиз
Абдуҳакимов ва Хитой Халқ
Республикаси Фанлар академияси
вице-президенти, профессор
Хе Хунпин ўртасида учрашув
бўлиб ўтди. Учрашувда томонлар
экология, атроф-мухитни
мухофаза қилиш ва барқарор
ривожланиш соҳаларида икки
томонлама ҳамкорликнинг
асосий йўналишларини муҳокама
қилдилар.

Тадбирда 2024 йил январида имзоланган
Атроф-мухитни мухофаза қилиш бўйича Ҳукуматла-
раро битим доирасида эришилган келишувларнинг
амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди.
Барқарор ҳамкорлик ва қўшма илмий ва амалий таша-
бусларни кенгайтириш муҳим эканлиги қайд этилди.
Ҳамкорликда Арнасой, Кармана, Муборак, Қоракўл ва
Нукус туманларида галофит ўсимликлари боғларини
яратиш, Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги агентлигига 1,4
тонна уруғ етказиб бериш, шунингдек, ифлосланиш
даражасини мониторинг қилиш учун ракамли тизим-
ларни жорий этиш ва хитойлик мутахассисларнинг
“Яшил макон” умуммиллий ташаббусини амалга оши-
риша иштирок этиши каби лойиҳаларнинг амалга
oshiрилиши шулар жумласидандир.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги ҳамда Хитой Фанлар академияси-
нинг Синсзян экология ва география институти (SAS
XIEG) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзо-
ланди. Ҳужжатни Азиз Абдуҳакимов ва SAS XIEG
бош директори, профессор Чжан Юанмин имзолашди.

Меморандумга кўра, Марказий Осиё атроф-мухит

ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (“Green University”) негизида Марказий Осиё экология ва
атроф-мухитни ўрганиш илмий-тадқиқот марказини (Tashkent Headquarter) ташкил этиш бўйича келишиб
олинди. Ушбу Марказ минтақада илмий тадқиқотлар,
мутахассисларни тайёрлаш, технологиялар ва тажриба
алмасиши, шунингдек, “яшил” ва барқарор ривожла-
ниши тарғиб қилишда муҳим платформа вазифасини
бажаради.

Ҳужжатда ҳамкорликнинг кенг йўналишларини
амалга ошириш кўзда тутилган: илмий конферен-
циялар ва семинарлар ўтказиш, қўшма тадқиқотлар
ва нашрлар тайёрлаш, лабораторияларни замонавий
ускуналар билан жиҳозлаш, амалий лойиҳаларни йўл-
га қўйиш ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

Меморандум Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги эко-
логик ҳамкорликни чукурлаштириш, глобал иқлим
муаммоларига самарали курашиш ва минтақавий ҳам-
корликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Экология,
атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги
Ахборот хизмати**



Нажом — таълимда!

ҲАЛОЛЛИК — ҲАЛҚ ИШОНЧИННИГ МЕЗОНИ

Бугун Ўзбекистонда таълим
соҳаси чуқур ислоҳотлар
жараёнини бошдан кечирмоқда,
чунки мактабгача таълимдан
тортиб, олий ва қасб-хунар
таълимигача бўлган тизимда туб
ўзгаришлар амалга оширилмоқда.
Президент Шавкат Мирзиёев
таъкидлаганидек, биз ҳалқнинг
юксак ишончига доимо
муносиб бўлишимиз керак,
шу боис бу ишончни оқлаш
учун таълим тизими ҳалоллик,
адолат ва самимийлик асосида
ривожланиши зарур.

(Давоми 2-саҳифада)



Унут бўлган дардлар

**ЭСКИ “ЖИГУЛИ”,
ТОПИЛМАГАН
НАҚД ПУЛ,
“КАМЁБ” ТАШХИС**

Инсонлар ҳаётидаги ўзга-
ришлар, сиёсий муроҷотнинг
фаоллашуви ва ислоҳотларнинг
илдамлаши – бу мамлакатдаги
муҳим ва дадил қадамларнинг бўй
кўрсатишидир. Фаровонлик сари
интилиш шунчаки сўзда эмас,
амалда исботланиши керак. Шун-
да кўйилган ҳар бир қадам жами-
ят учун яхшилик келтиради.

Муаммолар ўз-ўзидан ҳал
бўлмайди. Бу – катта сиёсий
ирода, саъй-харакатлар, дахлдор-
лик туйғуси ва эзгу мақсадларга
интилган шахслар орқали амалга
oshiрилади. (Давоми 3-саҳифада)



(Боши 1-саҳифада)

Охириги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор мисли кўрилмаган даражада ошди, чунки 2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида таълим устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бу эса қуидаги бир неча муҳим янгилик ва ўзгаришларга замин яратди:

- Мактабгача таълим қамрови 70 фойздан ошиди.
- 11 йиллик умумий ўрта таълим тикланди.
- Ҳар бир туман ва шаҳар марказида замонавий мактаблар қурилмоқда.
- Барча худудларда Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар ва IT мактаблари ташкил этилди.
- 200 дан ортиқ хорижий олий-гоҳлар филиаллари фаолият бошлади.
- Ўқитувчилар ойлиги оширилди ва уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича дастурлар жорий қилинди.

Таълим тараққиётнинг стратегик асоси эканлиги бежиз эмас, чунки бу шахсий юксалиш воситаси бўлиш билан бирга, жамиятнинг тараққиётини белгиловчи асосий омилдир. Ривожланган давлатлар – Финляндия, Япония ва Жанубий Корея тажрибаси шуни кўрсатади, уларнинг муваффакиятида ҳалол, сифатли ва адолатли таълим тизими ҳал қилувчи рол ўйнаган.

«Эл-юрт умиди», «Темурбеклар мактаби» ва «Ёшлар академияси» каби лойиҳалар ёшларнинг илм олишга бўлган рағбатини кучайтироқмоқда.

Сўнгги йилларда рақамли технологиялар ҳам таълимга кенг жорий қилинмоқда:

- Электрон кундалик ва журнал тизимлари йўлга қўйилди.
- Очиқ онлайн дарс платформалари (Kundalik, Edu Market, Edu.uz) ишлаб турибди.
- Ягона миллий тест тизими ва сертификатлаш амалиёти киритилди.
- Дипломларнинг QR кодли электрон базаси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси таълимда шаффофликни кучайтиришга ва коррупция ҳолатларини камайтиришга хизмат килмоқда, бирок бу

ҲАЛОЛЛИК – ҲАЛҚ ИШОНЧИНИНГ МЕЗОНИ

жараён ҳали мукаммал эмас, чунки шакл эмас, мазмун устувор бўлиши керак.

Юртимизда мактаблар сони ортмоқда, лекин бу ўсиш малакали ўқитувчилар билан тенг юрмаяпти. Аксинча, кўплаб худудларда ўқитувчилар етишмовчилиги сезилмоқда, сабаби ўқитувчи меҳнати етарли баҳоланмагани учун бу касбга ёшларнинг қизиқиши камаймоқда. Натижада, таълимда сон мавжуд, лекин сифатда барқарорлик йўқ.

Яна бир муаммо шундаки, янгиликлар шакл даражасида жорий этилмоқда, аммо мазмун жиҳатдан самарасиз қолмоқда. Масалан, электрон журнал, рейтинг тизимлари ва рақамлаштириш бор, лекин улардан тўғри фойдаланиш маданияти ва салоҳияти ҳали етарли эмас.

Коррупция: Ҳалол таълимга тўсик. Бугунги кунда таълимда энг оғрикли муаммолардан бири коррупция ҳисобланади, чунки пораҳўрлик, таниш-билишчилик, баҳоларни сотиш, имтиҳонлардаги адолатсизлик ва лавозим тақсимотидаги ошкоралик етишмовчилиги каби ҳолатлар ҳалигача учраб турибди.

Ўзбекистон Коррупцияга қарши курашиш агентлиги 2023-йилда эълон қилган маълумотларга кўра, факат олий таълим муассасаларида 49 та коррупциявий ҳолатлар аниқланиб, улар тегишлилиги бўйича қонуний баҳо бериш учун хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим этилди. 80 нафар ходимга ножӯя хатти-ҳаракатлар содир этгани учун тегишли чоралар кўрилди. 56 та ҳолатда яқин қариндошларнинг ўзаро бўйсунуви ишлаши билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви аниқланиб, 30 нафар ходим бошқа лавозимга ўтказилди, 4 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 22 нафар ходимга тегишли чора кўрилди. Уларнинг орасида ўқитувчилар, деканлар, ҳатто ректорлар ҳам бор. Бу эса факат аниқланган ҳолатлар бўлиб, амалда бу рақамлар янада юкори бўлиши мумкин. Коррупция бу факат пулнинг йўқотилиши эмас, балки бу ёшларнинг билимга, меҳнатга ва адолатга бўлган ишончини емиради. Талаба эса англайдики билим эмас, таниш керак.

Таълим соҳасида коррупциянинг асосий кўринишларини санаб ўтадиган бўлсак, мактабгача таълимда

навбатдан ўтиш учун пора бериш ҳолатлари мавжуд. Мактабларда баҳоларни “битириб бериш” ёки аттестатга сунъий балл қўшиш ҳоллари учраб турибди. Олий таълимда имтиҳон натижаларини соҳталаштириш, “тайёр диплом ишлари”дан фойдаланиш ва грантга чиқишида аралашув ҳолатлари мавжуд. Касб-хунар таълимидаги эса хисоботлар ва амалиётдаги кўзбўя-мачилик муаммоси долзарбидир. Бундай ҳолатларнинг давом этишига тизимдаги ортиқча бюрократия ва самарасиз назорат, очиқлик ва жамоатчилик назоратининг заифлиги, ўқитувчиларнинг ижтимоий химояси пастлиги, хукукий саводхонлик ва фуқаролик позициясининг сустлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Ҳалол таълим сари йўл. Ҳалол таълим сари йўл олиш учун аввало рақамлаштиришда контент сифати оширилиши керак, чунки рақамли платформаларга шунчаки эски дарсликларни юклаб қўйиш билан иш битмайди. Контент рақамли муҳитга мослаштирилган, интерактив, визуал ва жозибали бўлиши зарур. Бу эса видеодарслар, интерактив машқлар, симуляциялар ва ўкув ўйинлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўқитиши методикаси ҳам янгила-ниши керак, яъни рақамлаштириш нафақат ўкув материалларини, балки ўқитиши усулларини ҳам ўзгартириши зарур. Ўқитувчилар янги технологиялардан самарали фойдаланишни ўрганишлари, масалан, шахсий ўкув траекторияларини яратиш, яъни ўз ўқувчилари учун ҳар бирининг эҳтиёжлари, билим даражаси, қизиқишилари ва ривожланиш тезлигига мослаб индивидуал (ёки мослашувчан) таълим йўлини режалаштириши, маълумотларга асосланган қайта алоқа бериш ва виртуал синфларда ишлашни билишлари керак. Баҳолаш тизими ҳам инновацион бўлиши лозим, чунки бу факат тестлардан иборат бўлмасдан, лойиҳа ишлари, онлайн мунозаралар, ижодий топшириклар ва автоматик тарзда ўзлаштириш жараёнини кузатишга асосланган усулларни ҳам ўз ичига олиши керак. Бу шаффофликни ошириб, пла-гиат ва бошқа ҳалол бўлмаган ҳара-катларнинг олдини олади.

Шахсий ёндашувни кучайтириш лозим, чунки рақамли воситалар хар бир талабанинг индивиду-

ал эҳтиёжлари ва қобилиятларига мослашиш имконини беради. Алгоритмлар ёрдамида талабанинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, уларга мос келадиган материаллар ва машқларни тавсия этиш орқали таълим жараёни янада самарали бўлади. Рақамли саводхонлик ва масъулиятни шакллантириш зарур, яъни талабаларни нафақат рақамли воситалардан фойдаланишга, балки уларни онлайн ахлокка риоя қилиш, ахборотни танқидий баҳолаш ва киберхавфзислик қоидаларини билишга ҳам ўргатиш керак. Бу орқали уларда рақамли муҳитда ҳалол ва масъулиятли бўлиш кўникмалари шаклланади.

Шундай қилиб, ҳалол таълим сари йўл олиш учун рақамлаштириш факат технология эмас, балки бутун таълим жараёнини мазмунан бойитувчи ва сифатини оширувчи восита сифатида қаралиши лозим. Электрон рейтинг тизимлари, онлайн мониторинг, очиқ статистик маълумотлар базалари жорий этилиши керак, чунки бу тизимлар нафақат назорат воситаси, балки ишончни мустаҳкамловчи омил бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати ҳам жорий қилиниши, яъни ҳар бир таълим муассасасида ота-оналар, битиривчилар ва эркин аудиторлар иштироқида таълим сифати ва ҳалоллигини кузатувчи мустақил тизимлар йўлга қўйилиши керак.

Шуни унутмаслик керакки, таълимда адолат ва ҳалоллик бўлмаса, ҳеч бир ислоҳот кутилган натижани бермайди. Мактаб қуриш, стипендиya ажратиш ёки грантлар эълон қилиш – албатта зарур, аммо бу етарли эмас. Агар ишонч тикланмаса, меҳнат қадрланмаса, натижалар зиф бўлади.

Президентимизнинг “Ҳалқнинг юксак ишончига доимо муносаб бўлайлик” деган чақириғи факат шиор бўлиб қолмаслиги керак, балки бу ҳалоллик, ошкоралик ва адолатли тизим орқали амалга ошириладиган мақсад бўлиши лозим. Чунки ишонч – қурилиши энг қийин, йўқолса тикланиши энг мушкул бўлган пойдевордир ва уни сақлаб қолиш эса ҳар бир педагог, раҳбар, ота-она ҳамда талабадан бошланади.

**Лочин РАҲМОНОВ,
Осиё технологиялар
университети ректори**



ЭСКИ “ЖИГУЛИ”, ТОПИЛМАГАН НАҚД ПУЛ,

(Боши 1-саҳифада)



“Паспортни кўрсатинг!”

Ўша қунларни бугун шунчаки кулиб эслаймиз: Тошкент шахрида ўзига хос “қонунлар” ишларди. Устун томонлари ҳам, мاشаққатлари ҳам бор эди унинг. Пойтахтда тириклик қилишга, юқори мақсадларга эришишга имкон кўпроқ, элекстрдан муаммо йўқ, ҳатто бензин нархи ҳам худудлардагидан анча арzon эди. Кўпчилик пойтахтга интиларди, табиийки. Шунгами, шаҳарнинг ўз тартиблари бор эди. Ёнингизда доим паспорт бўлиши кераклигини остонасини ҳатламасданоқ билардингиз, водийликлар-ку, бу хужжатсиз довондан ошиб ўта олишмасди.

“Офтобда тобланган” талабалар метрода тушишдан чўчир, “Собир Раҳимов” автовокзалига келганлар, қўйматега бўлса ҳам, таксидан фойдаланишини “тинчроқ” билишарди. Метро – гўё шахар транспорт воситаси эмас, кўрикланадиган обьектга ўхшарди. Вилоятдан келганинг сизлами, текшириласан: “Паспортни кўрсатинг!”.

“No foto, No video” — хорижликлар ҳам Тошкентнинг гўзал метросини тасвирга олишолмасди. Расмларсиз, эсадаликларсиз саёҳат. Татиганмикин?!

Эски “Жигули”

Пойтахтда юқорироқ лавозимда ишлаган киши “қўлимдан келадиган энг катта ёрдамим шу”, дея қишлоқдаги қариндошларини “Тошкент пропискаси”га ўтказиб қўяди. Бу энди ўшанда салкам “Грин карта” ютгандек гап – Америкага бемалол бориб келгандек, Тошкентда ўз уйингдагидек яшай оласан. “Ха” деганда, участка нозири эшигингни қоқиб, жаримага солиб кетмайди. Ўз уйингда юрак ҳовучлаб ўтирумайсан, ишингдан айрилишдан қўркмайсан, болаларингни мактаб-боғчага жойлаш учун таниш-билиш қидиришга хожат қолмайди.

Лекин... Қишлоқда ўз хаёти билан яшаб юрган, амалдор укаси



томонидан “Тошкент пропискаси”-га ўтказиб қўйган киши бир куни шикоят қилиб қолди: Эскироқ “Жигули” олгандим, энди унга ракам тақиши учун Тошкентга ҳайдаб боришим керак экан. Бу зормонда у ёққача етиб бора олмайди. Яқинларимнинг номига расмийлаштирай десам, аксига олиб болаларим ҳам, ҳатто турмушга чиқиб кетган қизимгача «тошкентлик». Керакмиди, шу прописка?

Сунъий чекловларнинг имтиёзлари қанчалик катта бўлмасин, унинг фойдасидан зарари кўп бўлавераркан.

“Онамизнинг соғлиғи ёмонлашди, тез етиб кел”

Бойсундан кўнфироқ бўлиб қолди. Опа укасига йиглаб гапирди: “Онамизнинг соғлиғи ёмонлашди, тез етиб кел”. Тошкентда ишлайдиган йигит ноҳуш хабардан шошиб қолди. Озроқ йигиб қўйган нақд пулини яқинда ижара учун тўлаган, маоши эса тўлиқ пластик картага тушади. Танишларидан суриштириди, уларда ҳам нақд йўқ. Бойсунга эса нақд пулсиз етиб бора олмайди.

Сафарга отланиш учун уйидан чиқди. “Чилонзор” метроси яқин, ўша ерда “Корзинка” супермаркетига кирди. Аравасига кўпроқ маҳсулот солаётган харидорларни кузатди, минг хижолатда улар олдиға бориб сўради: “Кечирасиз, мабодо нақд пулга савдо қилмайсизми, менда пластик карта бор эди...”

Бир неча кишидан суриштириди. Уларда ҳам нақд пул йўқ экан. Балки улар ҳам шунинг учун дехқон бозорига эмас, супермаркетга тушишгандир.

Йигит “Корзинка”дан хомушчиқаркан, тилла дўконига кўзи тушди. Ялт этиб миёсига бир фикр келди: “бошқа чора йўқ”!

Дўконга кириб, тилла такинчок сотиб олди ва “Чилонзор” бозори атрофида ўтирадиган “тиллачи” аёлга анча арzonига, лекин нақдга сотди. Ўша пайтда пулини нақд

қилишнинг бошқа чораси йўқ эди унда.

“МРТга тушишингиз керак”

Қишлоқда гилос тераётган аёл дарахтдан йигилиб, умуртқасидан оғир жароҳат олди. Шифохонага хушсиз ҳолда етказилди. Бир ой даволаниб бироз ўзига келди. Аммо ҳали ҳам қўл-оёқлари яхши ишламайди, оғриқ кучли. Даволаётган шифокор ёш бўлса ҳам, анча билимли эди. Аммо унинг ҳам “қўли калталиги” бор. Бир куни беморига айтди:

— Опа, сизни даволай оламан, аммо менга МРТ ташхиси керак.

— Нима у?

— У аппарат сизнинг шикастланган нервларингизни аниқлашга ёрдам беради, фақат Тошкентда бор. Ўша ерга бориб келишларингиз керак.

Яқинлари аёлни пойтахтга олиб келишди. МРТ (магнит-резонанс томография) аппарати Тошкентнинг фақат уч муассасасида — эски ТошМИ, ДХХнинг (собиқ МХХ) марказий ҳарбий госпитали ва MDS-Service хусусий клиникасида бор эди.

Суриштириши: ТошМИдаги аппаратга навбат З ой деганда келади, ҳарбий госпиталга кириш имконисиз. MDS-Service клиникасида ҳам навбат катта. Беморни эса тезроқ текширувдан ўтказиш керак, кутиб бўлмайди. Вазият тушунтирилгач, хусусий клиника шифокори маслаҳат берди: “Келиб навбат кутиб ўтирасизлар, рўйхатга ёзилганлардан кимдир келмай қолса, ўрнига киришингиз мумкин бўлади”. Эрталабдан жойидан жилмай кутган bemor ва унинг яқинлари кейинги кун тонгига МРТга тушишга муваффак бўлишди. Бу ўша пайтда катта баҳт эди.

* * *

Бу каби воқеаларни кўпчилик ўз бошидан ўтказган, оғрикларини та-

насида ҳис этган. Қачондир ечим топишини тасаввур қила олмаган у муаммоларимизни бугун енгилгина эслаб қўямиз.

Хозир чўнтағида паспортини қўймасдан солиб юрган кишини учратмайсиз. Метрода расм олиш тугул, тўғридан-тўғри видео жўната оласиз. Мобил алокаси ҳам, интернет ҳам ишлайди. «Прописка» сўзи ҳатто қонунчилиқдан бутунлай «ўчирилди». Накд пул керакми, ҳар бурчакда банкомат бор, хоҳла — сўмда, хоҳла — долларда ол!

Оғир беморлар қайсири ташхис аппаратига ойлаб навбат кутиб, ўлим билан олишмайди.

Олий ўқув юртига хужжат топширишни истаган ёшлар кимнингдир “қош-қовоғи”га қараб ўтирамайди, уйидан ўтириб онлайн топширади: бир эмас, бир неча ОТМга! Давлат таълим муассасасини танлайдими ёки хусусийни – ихтиёр ўзида. Билиминг ва интилишинг бўлса, Гарвард университети эшиклари-да, очик сенга!

Бугун аҳоли ўзига нисбатан ҳам, хукуматга нисбатан ҳам талабчан. Бу ижобий ҳолат, албатта. Бироқ бу талаб – бизни беҳаловатлик, дарғазабликка етакламаслиги ёки мол-дунё учун мусобақалашибига буриб юбормаслиги керак. Ҳар қандай муаммога ечим топилади. Аввал бизни қийнаб келган масалалар бугун унут бўлгани каби, бугунги муаммоларимиз эртага албатта ҳал бўлади.

Қолаверса, ҳаловат – буюк неъмат. Ҳаловатини йўқотган инсонга ҳеч нарса татимайди. Ундаги бу кайфият атрофдагиларга, жамиятга, ҳатто болаларга “юқади”. Фақат негатив ўй-фикрлар билан яшаб бўлмайди, бу аввало, унинг ўзини адойи тамом қилади. Фаровон мамлакатларда одамларнинг энг катта бойлиги – хотиржамлик ва ҳаётдан мамнунлик. Ахир тирикликнинг мазмуни ҳам шу!

Лутфулло ТУРСУНОВ,
журналист

ТАБИАТНИ АРДОҚЛАГАН ЁШЛАР

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да “Экология билимдонлари” кўрик-танлови бўлиб ўтди. “Эко-оромгоҳ–2025” доирасида бўлиб ўтган беллашувда республикамизнинг барча ҳудудидан 14 та жамоа 4 шарт бўйича баҳс олиб боришиди.



— Танлов доирасида ёшларимизнинг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, биохилма-хиллини сақлаш, умуман, долзарб экологик муаммолар борасидаги билимлари синовдан ўтказилди, — деди Экология вазирлиги бўлим бошлиғи Заррина Абдуллаева. — Кувонарлиси, ҳар бир ёш авлод бу борада етарлича билимга, кўникмага эга. Танлов давомида биз қийин деб хисоблаган саволларга ҳам жуда яхши жавоб беришиди, экологик муаммоларга ечим сифатида бир қанча муҳим таклифларни илгари суришиди.

Биринчи шартда жамоалар ўз ҳудудларидағи экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида олиб бораётган фаолиятлари билан таништиришди. Иккинчи шартда эса юртимиз ва минтақа учун долзарб хисобланган иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши, сув танқислиги, глобал исиш, озон туйнуғи емирилиши ва бошқа муаммоларни камраб олган саволларга жавоб беришиди ва мазкур муаммолар борасида ўз ечим ва таклифларни билдиришди.

Танловнинг учинчи шартida ҳар бир жамоа

чиқиндилардан тайёрланган фойдали буюмларини тақдим этишиди. Айниска, Хоразм вилояти жамоасининг эко-фавораси, Қорақалпогистон Республикасининг шина ва бошқа нарсалардан тайёрлраган буюми, цеплофан пакетлардан тайёрланган бежирим либослар, Намангандик вилоятининг болалар учун тайёрлраган ўйинчоқлари иштирокчиларда илиқ таассурот қолдириди.

Тўртинчи шартда жамоалар ўз Кенгашлари фаолияти акс этган клипларини намойиш қилишиди.

Якунда Самарқанд вилояти биринчи ўринни, Хоразм вилояти иккинчи ўринни, Қорақалпогистон Республикаси ва Фарғона вилоятлари эса учинчи ўринни эгаллашди.

— Биз учун энг муҳими, янги маълумотларга эга бўлганимиз, билимларини янада мустаҳкамлаганимиздир. Танлов давомида бошқа жамоалардан билмаган нарсаларимизни ўргандик, тажриба алмашдик, республикамизнинг бошқа ҳудудларидағи экологик вазиятлардан хабардор бўлдик. Энг муҳими,



нафақат ўз ҳудудимиз, балки бутун минтақани ташвишга солаётган экологик муаммоларни ҳал қилиш учун нималар қилиш кераклиги борасидаги режаларимизни белгилаб олдик, — дейди Самарқанд вилояти иштирокчиси, вилоят Ёш экологлар ҳаракати Кенгаси раиси Ферузжон Тошпўлатов.

Бу каби танловлар иштирокчиларнинг экологик онги ва маданиятини янада юксалтириш, биохилма-хиллини асраш, табиий ресурсларни тежаш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, чиқиндиларни саралаш ва бошқа экологик масалалар борасида хабардорлигини оширишга хизмат қиласиди.

“Эко-оромгоҳ–2025” давом этмоқда.



Ўқитувчи — бу жамиятимизда энг муҳим роллардан бирини ўйнайдиган, келажак авлодни тарбияловчи ва билим берувчи инсондир. Унинг кундалик ҳаёти эса кўплаб қийинчиликлар ва завқ-завқ билан тўла. Келинг, ўқитувчининг бир кунига назар ташлаймиз.

Ўқитувчининг куни ҳар доим эрта бошланади. У эрталаб соат 6:00 да туради. Биринчидан, у ўзининг шахсий ҳаёти ва оиласига вақт ажратади — нонушта тайёрлаш, болаларини мактабга юбориш ёки шунчаки тинчликда бир чашка қаҳва ичиш. Эрталабки тайёргарлик давомида ўқитувчи дарс режалари, тақдимотлар ёки янги методларни ўғанишга вақт ажратади.

Мактабга йўл олишда ўқитувчи нафақат ўз фикрларини йигади, балки талабалар учун қандай дарс ўтишни ҳам режалаштиради. Уларни қандай қилиб мотивация қилиш,

ЎҚИТУВЧИННИГ БИР КУНИ

дарсда фаол иштирок этишларига эришиш ва билимларини кенгайтиришга ёрдам бериш каби саволлар ҳамон унинг фикрида бўлади.

Таълим даргоҳида етиб келгач, дарс жараёни бошланади. Ўқитувчи ҳар бир синфда турли хил шахсиятлар билан ишлайди: баъзилари фаол иштирок этадиган, бошқалири эса жим турадиган ўқувчилардир. Ҳар бир дарс - бу мұваффакият ва қийинчиликлар уйғунлиги, янги гояларни кашф қилиш ва эски билимларни янгилаш имкониятидир.

Дарс давомида ўқитувчи нафақат билим берувчи сифатида, балки ўқувчиларнинг муаммоларини тингловчи ва ечим топишга

ёрдам берувчи ментор сифатида ҳам ҳаракат қиласиди. Ўз вақтида қўлланиммаган сўзлар улар учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Дарс тугагач, ўқитувчини яна кўп иш кутмоқда: уй вазифаларини текшириш, янги материалларни тайёрлаш ёки ота-оналар билан учрашувлар ўтказиши. Бу жараёнларда у албатта ўз вақтини самарали бошқариши керак. Шунингдек, жамоатчилик тадбирлари ёки спорт мусобакалари каби фаолиятларда иштирок этиш ҳам муҳимдир. Бу орқали у ўқувчилар билан яқинроқ алоқа ўрнатиб, уларнинг ижтимоий кўнкималади.

рини ривожлантиришга ёрдам беради.

Уйга кайтганидан сўнг ҳам ўқитувчининг иш куни тугамайди. Одатда кечқурун уй вазифаларини текшириш ёки янги дарслик материалларини тайёрлаш билан ўтказилади. Шу билан бирга оиласи билан вақт ўтказиши ҳаракат қиласиди; бу эса унинг руҳий ҳолатини енгилаштиради.

Ўқитувчиларнинг ҳаёти кўп ҳолларда қийин ва мураккаб бўлишига қарамай, улар ҳар куни янги имкониятлар кашф этадилар ва келажак авлодни тарбиялайдилар. Уларнинг меҳнати фақат билим беришдан иборат эмас; бу – улкан масъулиядир. Ҳар биримизнинг мұваффакиятимизда уларнинг ҳиссаси борлингани теран англассак яхши бўларди. Шунинг учун биз барчамиз уларга раҳмат айтишни унутмаслигимиз лозим!

**Ҳасан МҮМИНОВ,
Чирчик давлат педагогика университети профессори**

БИЗНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Ургут туманининг Мингбулоқ қишлоғида йиллар давомида эътибордан четда қолиб келаётган муаммолардан бири – бу электр узатиш тизимининг аянчли ҳолатидир. Электр энергиясини етказиб берувчи тармоқнинг асосини ташкил этувчи ёғоч устунлар бугунга келиб яроқсиз, ҳатто ҳаёт учун хавфли.

Қишлоққа электр токи асосан Бешкон маҳалласидан кириб келади. Энг ачинарлиси шундаки, бу симёғочлар йўли сув омбори устидан ўтади. Сув яқинида жойлашган ёғоч устунлар, кучли ёмғир ва шамолда қулақ тушади. Ҳар сафар табиат ўз кучини кўрсатганида, аҳолининг юрагига кўркув оралайди. Бироқ, оғир шароит ва эътиборсизликка қарамасдан, қишлоқ аҳолиси ҳар гал ўз жонини хавфга қўйиб, ушбу қулақ тушган устунларни қайта ўрнатиб келмоқда. Баъзида ёш болалар, баъзида аёллар, баъзида эса кекса кишилар бу симёғочлар орасидан юришга мажбур бўлишади. Айни воқеилик жиддий ижтимоий ва техник муаммога айланиб улгурган.

Шундай ҳолат юзага келади-ки, ёғоч устунлар таги чириб, тепа қисми эса шамолда қийшайиб, осилиб қолган симлар ердан бор йўғи бир қарич тепада туради. Аҳолининг айтишича, баъзан электр симлари ерга тушганича бир неча қунақ ташкил этиши. Ҳар сафар муаммо юзага келганида, одамлар ўз хавфсизлигини унтутиб, уни ўз кучи билан бартараф этишга ҳаракат қилади. Ахир улар симёғочлар чириб, симлар ерга тушганича яна қайта ўрнатиши керакми? Бу саволга ҳалигача ҳеч бир мутасадди жавоб бера олмаяпти.

Узок йиллик мурожаатлар, расмий аризалар ва тилхатлар са-марса бермагани сабаб, аҳолининг ишончи йўқолган. “Рўйхатга олинган”, “Тез орада ўрнатилади”, “Молиявий маблағ ажратилгач чора кўрилади” деган жавоблар билан ҳалқни чарчатишган. Ҳаёт оқимда, эҳтиёж эса ҳар кунги ҳамроҳ. Тармоқнинг яроқсизлиги электр энергиясининг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда – кучланиш паст, тез-тез узилишлар кузатилиди, бу эса замонавий техникалардан фойдалана олмаётган, кун кечираётган оддий ҳалқ учун кўшимча азоб.

Техник носозлик эмас, балки эътиборсизлик, бефарқлик ва маъсуллиятсизлик оқибати юзага келган. Оддий бир қишлоқ аҳолисининг ҳаёти, хавфсизлиги ва ор-номуси қоғоздаги режалар соясида колмаслиги керак. Ҳар бир қулаган электр устуни билан бирга ҳалқнинг са-

бри, умиди ва ишончи қулаяпти. Ҳар сафар аҳоли ўз елкаси билан шу симёғочни кўтартганида, улар давлат эътиборини кутаётганини яна бир бор намоён қилмоқда.

Айрим идораларнинг бундай ҳолатларга лоқайдлиги – бутун тизимнинг оғрикли жойидир. Мингбулоқ қишлоғидаги симёғочлар янгиланиши нафақат электр тармоғини ислоҳ этиш, балки бир инсоний қадрият – ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чора бўлиши керак. Одамлар ҳаётини хатарга қўйиб устунларни кўтаравериши эмас, тинч, хавфсиз яшаш хукуқига эга бўлиши керак.

Муаммога ечим: Мингбулоқ қишлоғидаги электр тармоғининг бу-гунги ҳолати – оддий техник носозлик эмас, балки йиллар давомида

ҳалқнинг давлатга бўлган ишончи ҳам аста-секин емирилиб бораверади. Шу боис бу масалани бугун ҳал этиш – факат қишлоқ аҳолиси учун эмас, балки жамиятимиздаги адолат, масъулият ва инсонийлик учун ҳам зарурдир. Мингбулоқликларнинг факат сабрини эмас, хавфсизлигини ҳам эътироф этадиган, уларга муносиб яшаш шароити яратадиган кунлар тезроқ келишини истаймиз.

Бу фақат бир қишлоқ муаммоси эмас – бу минглаб бошқа худудларда ҳам мавжуд бўлган ўхшаш ҳолатларга ёрқин мисол. Демак, бугун Мингбулоқдаги устунни тиклаш – эртага бутун тизимни ислоҳ қилиш ўйлидаги биринчи қадам бўлиши мумкин.

Бунинг учун қишлоқ аҳли арзини эшигадиган раҳбар керак...

Қоратепа атрофидаги чиқиндишлар

Бугунги кунда Ургут туманинадаги Қоратепа сув омбори сайёх-

Маълумотларга кўра, агар ҳафтасига ўртача 2000 нафар меҳмон Қоратепага ташриф буюрса ва уларнинг ҳар биридан 5 донадан чиқинди қолса, 3 ой давомида камида 10 тонна чиқинди тўпланар экан. Бу эса жиддий экологик муаммога олиб келиши мумкин. Биргина пластик идишларнинг парчаланишига ўртача 400-500 йил ёки 1 дона синтетик болалар таглиги ердан тўлиқ йўқолиши учун камида 300-500 йил талаб этилади.

Йигилиб қолган бефарқлик, сусткашлик ва тизимли эътиборсизликнинг аччиқ натижасидир. Ваҳоланки, муаммонинг ечими мураккаб эмас. Аввало, мавжуд ёғоч устунларни металл ёки бетон устунларга алмаштириш зарур. Улар нафақат узок муддат хизмат қиласи, балки хавфсизлик даражасини ҳам оширади. Шу билан бирга, электр симларининг тўғри ва стандартларга мос тортилиши ҳам алоҳида эътибор талаб этиади.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг ўз кучи билан қилаётган ҳаракати эътиборга лойик. Уларнинг фидойилиги, бардоши ва жонкуярлиги рағбатлантирилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш орқали муаммо тезроқ ҳал этилиши мумкин. Аҳоли ташаббуси ва давлат кўмаги бирлашса, бу каби хавфли инфраструктуру масалалари илдизи билан бартараф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир устун – бу нафақат ток ўтказувчи восита, балки одамлар ҳаётини боғлаб турувчи ишонч устунидир. Агар бу устунлар қулақ тушаверса,

лик маскани сифатида тобора оммалашмоқда. Бу ерга келувчилар сони кундан-кунга ортиб, нафақат маҳаллий аҳоли, балки хориждан ташриф буюрувчи сайёхлар учун ҳам севимли дам олиш манзилга айланиб боряпти. Ҳар ҳафта минглаб меҳмонлар ушбу сўлим жойгага ташриф буюриб, ҳавзанинг зилол сувлари, табиатнинг бетакрор манзараларидан баҳра олмоқда. Тадбиркорлар томонидан сув омбори атрофида мароқли хордик чиқариш учун етарли шароитлар яратиб қўйилган. Хавфсиз чўмилиш худудлари, ҳавзада сузиш учун ўнга яқин қайиқлар дам олувчилар, меҳмонлар хизматида.

Айниқса, байрам ва дам олиш кунлари келувчилар сонининг кўплиги бу масканнинг янада оммалашаётганини кўрсатиб турибди. Бироқ, худудда табиат гўзаллигини асраш, ундан оқилона фойдаланиш масаласи буғунги куннинг долзарб муаммосига айланиб бормоқда. Чунки Қоратепа атрофи борган сари турли майший чиқиндишлар билан тўлиб бормоқда. Дам олув-

чилар томонидан ташлаб кетилаётган бир марталик идишлар, пластик бутилкалар, болалар тагликлари каби чиқиндишлар худуд экологиясига жиддий зарап етказмоқда. Бундай чиқиндишлар нафақат ер, балки ҳавонинг ифлосланишига ҳам олиб келмоқда. Атроф-мухитнинг бу тарзда ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас.

Маълумотларга кўра, агар ҳафтасига ўртача 2000 нафар меҳмон Қоратепага ташриф буюрса ва уларнинг ҳар биридан 5 донадан чиқинди қолса, 3 ой давомида камида 10 тонна чиқинди тўпланар экан. Бу эса жиддий экологик муаммога олиб келиши мумкин. Биргина пластик идишларнинг парчаланишига ўртача 400-500 йил ёки 1 дона синтетик болалар таглиги ердан тўлиқ йўқолиши учун камида 300-500 йил талаб этилади.

Савол туғилади: бу ҳолатга Қоратепа худудида яшовчи аҳоли, маҳалла, вилоят ва тумандаги мутасадди ташкилотлар бефарқ қараб туришлари керакми? Албатта, йўқ. Бу муаммонинг ечими фақатгина бир томоннинг эмас, балки жамиятнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билангина ҳал бўлади.

Энг аввало, дам олувчилар сайёхлик маданияти ва масъулиятини хис этишлари керак эмасми? Табиат қўйнида мириқиб дам олгач ўзларидан қолган озиқ-овқат қодиклари ёки майший чиқиндишларни ўтирган жойига ташлаб кетишли шарт эмаску? Наҳотки, уларни тўплаб маҳсус ажратилган жойларга ташлаб кетиши шунчалик мураккаб бўлса? Нима учун маҳалла, ёки экология ва табиатни муҳофаза килувчи ташкилотлар бу борада назоратни кучайтиришмаяпти? Назоратчиларнинг дам олувчилар билан учрашиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришиларига нима тўскинлик қиласи? Ахир, тумандаги «Тоза худуд» ДУКнинг чиқинди ташувчи машиналари 2-3 кунда бир марта келиб чиқиндишлардан тозалаб кетишиша, олам гулистонку?

Табиат – умумий бойлигимиз. Уни асраш ва авлодларга соғлом ҳолда етказиш ҳар биримизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Қоратепа гўзаллигини сақлаб қолиш учун ҳозирданоқ ҳаракат килишимиз шарт. Акс ҳолда, эртанги кун биздан жиддий жавоб сўраши ҳеч гап эмас.

**Авазбек ҲАМОРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон Журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети талабаси**



Байрамларда Қадриятлар яшайды

Халқимизда тинчлик барқарор юрга байрамлар, тўйлар ярашади, деган гап бор. Дарҳақиқат, тинчликсевар халқимиз азалдан бир-бирининг хурсандчилигига шерик бўлиш, оғир кунларида елкадош бўлишдек нодир хислат сохибидир.

Эсимни танибманки, байрамлар маҳалла-кўй, кавм-қариндошлар ва бошқа яқин кишилар ўртасидағи оқибат анъанаси сифатида на-моён бўлган. Айниска, рамазон ва қурбон ҳайитлари ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, ўйқисиллар бошини силаш, ночор оиласларга меҳр-муруват кўрсатиш каби эзгу амаллар билан ўтган. Бу кун шу оиласлар учун чинакам байрам бўларди.

Ханузгача эслайман, отам раҳматли ҳам кўп йиллар беморлик синовларини бошдан кечиришига тўғри келган. Ҳайит намозидан қайтаётган маҳалладошлар, узоқ-яқиндаги қариндошларимиз отамнинг ҳолидан хабар олиш учун хона-денимизга келишар эди. Тўшакка михланиб, дўсту яқиннинг сухба-тига интизор киши учун бу нақадар катта қувонч баҳш этишини кўриб, хис этиб турардим. Бу йўқловлар сабаб отамнинг кайфияти кўтарилиганини кўриш биз учун чин маъно-да баҳт, байрам эди.

Саховатли инсон яхши билади ва тушунадики, ўзгаларга қувонч баҳш этиш инсонга катта хузур, хаётдан ризолик, сурур бағишлийди. Бир инсонга муруват кўрсатсан-гиз, қилган эзгу ишингииздан ўзин-гиз кўпроқ лаззатланасиз, хузурла-насиз.

Муборак динимизда ҳам ота-о-нага, беморларга, етимларга, ночор

оиласларга муруват кўрсатишнинг киймати юксакдир. Ҳаттоқи, бир етим бошини силашнинг савоби ҳакида, ота-онанинг розилиги би-лан жаннатга эришиш мумкинлиги тўғрисида кўп насиҳатлар, ривоятлар бор.

Бугунги кунда ҳам кўпчилик юртдошларимиз ушбу анъана со-диқ экани кишини қувонтиради. Пойтахтда ишләётган, ўқиётган ин-сонлар байрам баҳона ота-онаси ва яқинларини йўқлаш учун ўз вилоя-

Эзгу ишлар элни бирлаштиради, ёш авлодни комил инсон бўлиб улгайиши учун чинакам ибрат, тарбия вазифасини ўтайди. Аслида бир кўчат экиш ҳам, беҳуда оқиб турган сувнинг жўмрагини ёпиб қўйиш ҳам, йўлда ётган тошни четга суриш ҳам, бирорвга ширин муомала қилиш ҳам эзгу ишдир. Юрга, элга наф келтиргусидир.

тига бориб-келадилар.

Не баҳтки, давлат раҳбари ҳам ана шу эзгу амаллар бардавомлиги учун юксак эътибор кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 30 май куни эълон қилинган “Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан ушбу муборак айёмда азалий қадриятларимизнинг бардавомлиги, барҳаётлиги учун шароит яратиб берилмоқда.

Ушбу қарорда ҳам халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналиқ, саховат ва бағрикенглиқ каби эзгу фазилатлар тимсоли бўлган, асрлар давомида маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг аҳамияти Янги Ўзбекистонда ижти-моий давлат барпо этиш жараёнла-ри ҳал қилувчи босқичга кираётган буғунги шароитда тобора ортиб бораётгани эътироф этилиб, ушбу кутлуғ айёмни ҳар томонлама муносиб кутиб олиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш масаласи устувор максад сифатида кўрсатилган. Унда аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб ўтказиши учун

камарбасталиги, халқимизнинг азалий меҳр-оқибат байрамига нисбатан юксак ҳурмати намунасиdir.

Эзгу ишлар элни бирлаштиради, ёш авлодни комил инсон бўлиб улгайиши учун чинакам ибрат, тарбия вазифасини ўтайди. Аслида бир кўчат экиш ҳам, беҳуда оқиб турган сувнинг жўмрагини ёпиб қўйиш ҳам, йўлда ётган тошни четга суриш ҳам, бирорвга ширин муомала қилиш ҳам эзгу ишдир. Юрга, элга наф келтиргусидир.

Ота фарзанди билан бемор қўшнисининг ҳолидан хабар олса, ақа-ука, опа-сингилларини йўқлаб борса, қанчалар самарали тарбия эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Баъзан айрим фарзандларнинг ота-онасига ҳурматсизлигини кўрсам, беихтиёр булар эзгу қадриятлардан йироқда вояга етганни, деган савол келади.

Тинчлик дини бўлмиш исломда дуонинг аҳамияти жуда юксак баҳоланади. Аждодларимиз дуони баҳтга, камолга элтувчи восита сифатида қадрлаганлар. Фарзандини машаққат билан улгайтириб, бугун кексалик чогида эътиборга интиқ ота-онанинг, меҳрга зор етимнинг, ҳолинг не деган бир оғиз илик сўзга муҳтоҷ беморнинг дуоси инсонга не баҳтлар ато этгусидир.

Хар бир дуода юрга тинчлиги, эл омонлиги, тўкинлик ва фаровонлик, фарзандлар баҳту камоли мужас-самдир. Шунча давлатни кўлдан бой берманг, дуо олинг!

**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
журналист.**



кулай шарт-шароит яратиш учун кў-шимча дам олиш куни белгиланиб, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идораларга ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига ўйғун ҳолда ўтказиш бўйича тегиши чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юкланди.

Ушбу инсонийлик улуғланган қарор ва уни қабул қилиш иродаси. Давлат раҳбарининг эзгу ишларга



БАЙРАМЛАРДА ҚАДРИЯТЛАР ЯШАЙДИ

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-
мухитни мухофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Савдо-саноат
палатаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилиармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ

Акмал САЙДОВ
Актам ҲАЙИТОВ

Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсад
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси чоп этилди.
Манзил:

Буюк Турон кӯчаси 41.
Буюртма раками Г-510
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
2024 йил 2 августда

Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги

Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
ўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7722

Богланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Электрон почта:
jamiyat@mail.uz

Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
қўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



ЎЗБЕКИСТОН
СТРАТЕГИЯСИ | 2030

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси
“Атроф-мухитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида
амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони
билин 2025-йилда мамлакат ривожланишининг устувор
ёндашувлари белгилаб берилган.



МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



Олий таълим тизимига, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиши, “Топ-300”га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, илмий тадқикотлар натижаларини тижоратлаштириш каби вазифалар бажариш шулар жумласидандир. Мазкур йўналишда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида ҳам давлат дастури доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Университет республикамизга ветеринария, чорвачилик ва биотехнологиялар соҳаларига 26 та таълим йўналишлари ва 26 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган таълим маскани сифатида фаолият юритиб, унинг қошида Нукус ва Тошкент филиаллари, Самарқанд ва Қамаши ветеринария медицинаси техникумлари ва 1 та академик лицей мавжуд.

“Топ-300” га кирадиган хорижий университетларнинг таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ўйлга кўйиш мақсадида университетда ветеринария ва чорвачилик ҳамда биотехнология соҳалари бўйича кадрлар тайёрланадиган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фан дастурлари яратилди ва 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб амалиётга босқичма-босқич жорий этиб борилаётir.

Ветеринария ва чорвачилик соҳасида тўплланган тажрибалар асосида жорий йилда фундаментал тадқикотларни амалга ошириш мақсадида уни-

верситетда “МЕГА-лойиха” фаолият юритилиб, бугунги кунда лойиха доирасида 40 нафар профессор-ўқитувчилик (24 нафари фалсафа доктори (PhD), 16 нафари фан доктори (DSc) “Устоз-шогирд” тизимида 5 нафар магистратура мутахассислиги ҳамда 7 нафар бакалавриат босқичи талабалари ўз илмий-тадқикот ишларини 14 тур ҳайвон турлари (хусусан: от, йирик шохли қорамол, кўй, эчки, асалари, курка, товук, бедана, қуён, балиқ ва лаборатория ҳайвонлари) устида ўз тажрибаларини доимий равища олиб боришаёт.

Университет бўйича биргина 2025-йилда 14 нафар тадқикотчи фалсафа доктори (PhD) ва 3 нафар тадқикотчи фан доктори (DSc) диссертациялари ҳимоя қилишга эришишиди. Мавжуд таълим йўналишлари

жорий йилнинг баҳор мавсумида универсitet ва ўқув-тажриба хўжалиги ҳудудида жами 2455 дона манзарали дараҳтлар ўтказилди.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида 2025-йилга мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш борасида университет томонидан меҳнат бозорининг чорвачилик соҳаси бўйича мутахассисларга бўлган талаби республика дараҷасида ўрганиб чиқилди, натижада 2025/2026-ўкув йили бўйича таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квоталари шакллантирилиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этилди ва бугунги кунда университетга жалб этиш бўйича тарғибот материаллари яратилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда.

**2025-йилда экологик қиёфасини яхшилаш
борасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси
доирасида жорий йилнинг баҳор мавсумида
университет ва ўқув-тажриба хўжалиги ҳудудида
жами 2455 дона манзарали дараҳтлар ўтказилди.**

ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун халқаро таълим дастурлари асосида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш устида самарали ишлар олиб борилмоқда ва бу соҳага катта илмий-педагогик салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчи ва мутахассислар жалб этилиб, кейинги 3 йилда 200 номдан ортиқ, шундан 50 номдан ортиги хорижий ҳамкорларимиз билан ҳаммуаллифликда соҳага тааллукли бўлган адабиётлар яратилиб келинмоқда.

Университетда талабаларни турар жойи билан қамраб олиш даражасини яхшилаш борасида Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳисобидан 450 ўринли бино курилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари яна 300 ўринли талабалар турар жойи қурилмоқда ва у сентябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган.

2025-йилда экологик қиёфасини яхшилаш борасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида

2025/2026-ўкув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 5-майдаги “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида университет комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўразилиш учун унга тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилган тадбирлар “Ўзбекистон-2030” стратегиясида 2025-йилга мўлжалланган устувор ёндашувларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, дастурда кўрсатилган устувор йўналишларни босқич-ма-босқич ечиб бориш учун барча имкониятимиздан фойдаланамиз.

**Худойназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария
медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети
ректори, профессор.**

ЭЪТИБОР, РАГБАТ ВА НАТИЖА

2025 йил 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида бўлиб ўтган йиғилишда тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги соҳаларини қўллаб-куватлаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди. Шу мақсадда, ҳар бир банкка аниқ базавий туман бириткирилиб, айнан шу ҳудудда комплекс ривожлантириш ишлари олиб борилиши белгиланди.



Жумладан, Микрокредитбанка ўрик, туршак, гилос, шафтоли, гуллар ва қўчатлар етиширишни ривожлантириш ҳамда қўллаб-куватлаш вазифаси топширилди.

2025 йил 14 февралда қабул қилинган Президентнинг ПФ-22-сонли фармони ва ПК-57-сонли қарорига мувофиқ, Қува туманида “Қува-АгроСтар” МЧЖ ва Фарғона туманида “Фарғона-АгроСтар” лойиха офици ташкил этилди. Бу икки тузилма орқали амалий ишлар бошлаб юборилди. Ҳусусан, “Қува-АгроСтар” компаниясида 10 нафар, “Фарғона-АгроСтар” лойиха официда эса 3 нафар мутахассис ишга қабул қилинди.

Ўтган даврда ихтисослашган маҳаллаларда уста боғонлар иштироқида ўқув-семинарлар ўтказиши тақсимоти тасдиқланиб, шу асосда туркиялик мутахассис Ахмед Серкан Гули ҳамда агроном олим Парҳад Назаров томонидан боғонлар учун 10 та семинар ташкил этилди.

Хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида Белоруссиядан агроном

мутахассис Владимир Плюснин жалб қилинди. Бугунги кунда у ҳам ўз тажрибаси билан маҳаллий боғонларга кўмаклашмоқда.

Ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлиқда базавий ва қамраб олинаётган туманларда ихтисослашган маҳаллалар аниқланиб, аҳоли томорқалари ва ижара ерлари хатловдан ўтказилди.

Молиялаштириш соҳасида ҳам аниқ қадамлар қўйилди. Жумла-

дан, 8 та, умумий қиймати 11,2 млрд сўмлик (шундан 8 млрд сўми банк кредити) лойиҳалар шакллантирилди. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қадоқлаш ва қайта ишлашга йўналтирилган.

Жумладан, Қува, Фарғона, Риштон, Бешарик туманларида 6 та, 4,9 минг тонна сифимли музлаткичлар, Қувасой шахрида кунига 10 тонна маҳсулот қадоқлаш ускунаси, Қува туманида кунига 15 тонна консервалаш қувватига эга инфратузилмалар барпо этилмоқда.

Экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Фарғона вилоятида 6 та экспортчи корхонага сўнгги бир ой ичida 1,5 млн АҚШ долларлик факторинг хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 4 минг нафарга яқин аҳоли ва қишлоқ хўжалиги субъектларига 50 млрд сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилиб, мевали боғлар ташкил этишга ёрдам берилди.

Бу ишлар ҳудудда экспорт салоҳиятини оширишда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мисол учун: 2025 йил 15 май холатига кўра, гилос — 4211 тонна 9,9 млн долларлик, ўрик — 2051 тонна 1,8 млн долларлик, қутилган ўрик (туршак) — 5500 тонна, 7,8 млн доллар-



лик маҳсулот экспорт қилинди.

Фарғона вилоятининг ўзида эса гилос — 271 тонна 500 минг долларлик, ўрик — 347 тонна 304 минг долларлик, қутилган ўрик — 750 тонн 1,2 млн долларлик экспорт амалга оширилди.

Аҳоли томорқалари ва ижара ерларига кўчатлар етказиб бериш борасида ҳам тизимли ишлар қилинди. Жорий йилнинг феврал-май ойларида Қува, Ўзбекистон, Бешарик туманлари ва Қувасой шахридаги 236 та хонадонга 11 минг дона мевали қўчатлар экилди.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилояти, Қува тумани мисолида амалга оширилаётган лойиҳалар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банк матбуот хизмати.

